

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

ҒАФҒАРОВ ФЕРУЗ ҲАСАНОВИЧ

**ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ
ИНТЕГРАЦИЯСИНИ ТАЪМИНЛАШ МЕТОДИКАСИ**

13.00.05 – Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Contents of abstract of doctoral dissertation

Гаффаров Феруз Хасанович

Профессионал таълим тизимида назария ва амалиёт интеграциясини
таъминлаш методикаси 3

Гаффаров Феруз Хасанович

Методика обеспечения интеграции теории и практики в системе
профессионального образования 31

Gaffarov Feruz Khasanovich

Methodology for ensuring the integration of theory and practice in the system of
vocational education..... 61

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 66

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

ҒАФҒАРОВ ФЕРУЗ ҲАСАНОВИЧ

**ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ
ИНТЕГРАЦИЯСИНИ ТАЪМИНЛАШ МЕТОДИКАСИ**

13.00.05 – Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Докторлик диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.DSc/Ped194 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Педагогик инновациялар, профессионал таълим бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.vocedu.uz) ва “Ziyonet” Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Олимов Қаҳрамон Танзилович**
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Ҳамидов Жалил Абдурасулович**
педагогика фанлари доктори, профессор

Қўйсинов Одил Алмуратович
педагогика фанлари доктори, профессор

Марданов Шукурулло Қулдошевич
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Қарши давлат университети**

Диссертация ҳимояси педагогик инновациялар, профессионал таълим бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти хузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ped.48.01-рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “___” _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел.: (99871) 246-92-17; факс: (99871) 246-90-37, e-mail: pedagogikinnovatsiyalar@edu.uz).

Диссертация билан Педагогик инновациялар, профессионал таълим бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел.: (99871) 246-92-17; факс: (99871) 246-90-37).

Диссертация автореферати 2022 йил “___” _____ кунини тарқатилди.

(2022 йил _____ даги _____-рақамли реестр баённомаси)

Р.Х. Джураев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси в.б,
академик

С.Ю. Ашурова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, п.ф.н.,
профессор

Х.Ш.Қодиров

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, п.ф.д., доцент

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда, шу жумладан таълим ва тарбия тизимининг сифати ва самарадорлигини оширишда содир бўлаётган улкан ислохотлар замонавий билим ва кўникмаларни шакллантириш, таълим ҳамда илм-фан соҳаси ўртасида яқин ҳамкорлик ва интеграцияни, ўқитиш узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга оширишда юксак самаралар бермоқда. Халқаро тажрибалар шуни кўрсатдики, профессионал таълимда интеграциялашган таълим орқали назария ва амалиётни уйғунлаштириш, бўлажак мутахассисларнинг касбий компетенциясини самарали шакллантиришга эришилади. Айниқса, таълим интеграцияси масалалари бўйича АКШда Training Within Industry (TWI), European University Institute, Max Plank Institute, Harvard Law School, European Integration (ECSA-Austria), ARENA (Oslo), Mannheim Centre for European Social Research каби тадқиқот марказларининг илмий натижалари алоҳида ўрин тутади.

Замонавий таълимда назария ва амалиёт тенденциясини янада ривожлантиришда таълимнинг интегрatív ташкилий функциясини кенгайтириш, ўқитиш методикаларини такомиллаштириш, бўлажак мутахассиснинг шахсий ва касбий муҳим сифатларни шакллантириш каби интеграцион жараёнлар муҳим ўрин тутади. Интеграция бўйича педагог олимлар ва амалиётчилар томонидан илмий асосланган ўқув фанлари туркуми доирасидаги мазмунни интеграциялаб ўрганиш, турли ўқув фанларидан дарс берадиган педагоглар фаолиятларини оптималлаштириш, таълим-тарбия ишини ташкил этиш шакллари интеграциялаш ва таълим сифатини яхшилаш юзасидан кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу йўналишларнинг ҳар бирини аниқ ўз мақсади бўлиб, уни амалга ошириш учун мос шакл, метод, восита ва шарт-шароитлар талаб этилади.

Ўзбекистонда профессионал таълим тизими тараққиётнинг янги – информацион босқичига ўтаётган жамият эҳтиёжларига мувофиқлаштирилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш” ва “илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш”¹ устувор вазифалар сифатида белгиланган. Профессионал таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, малакали мутахассислар тайёрлашда интеграциялашган таълимни амалга ошириш зарурлигини тақозо этмоқда. Бу эса интеграциялашган таълимни амалга ошириш орқали дуал таълим

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.// Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2017. Б.39.

шаклини жорий этиш имкониятини аниқлашга асос бўлди. Натижада эса назария ва амалиёт интеграциясини таъминлаш орқали мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишга эришилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги "Таълим тўғрисида"ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни, 2019 йил 17 декабрдаги "Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги "Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5313-сонли, 2019 йил бсентябрдаги ПФ-5812-сонли "Профessional таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 31 декабрдаги "Малакаларни баҳолаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва меҳнат бозорини малакали кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4939-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 майдаги "Мактабгача таълим тизими учун кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 418-сонли, 2020 йил 15 майдаги "Ўзбекистон Республикаси касбий малакалар, билим ва кўникмаларни ривожлантириш миллий фаолиятини ташкил этиш чоралари тўғрисида"ги 287-сонли, 2020 йил 7 августдаги "Ўзбекистон Республикасида Узлуксиз бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги 466-сонли, 2021 йил 29 мартдаги "Профessional таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш чора-тадбирлари ҳақида"ги 163-сонли Қарорлари, мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Илмий тадқиқот иши мавзуси фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитасининг 1. "Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари" устивор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашда таълимда интеграциянинг назарий, методологик асосларини такомиллаштириш, уни

² Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи MIT Integrated Learning Initiative | Integrated Learning Initiative.; Technology Integration Practices (TIP) Guide | Center to Support Excellence in Teaching (stanford.edu).; Integrative Studies | University of North Texas (unt.edu).; Technology Integration Practices (TIP) Guide | Center to Support Excellence in Teaching (stanford.edu).; MA International Education (2023 entry) | The University of Manchester.; Integrating module | University of London.; Ministère de l'Éducation Nationale, de l'Enseignement Supérieur et de la Recherche de France (2013); Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (Word Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea); Lyunch M., Engle J., Cruz J.L. Subprime Oppppportunity: The Unfulfilled Promise of For-Profil Colleges and Universitetes. Education Trust, 2010; distant.msu.ru ва бошқа манбаалар асосида амалга оширилган.

объектив баҳолаш мезон ва даражаларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар АҚШ, Германия, Венгрия, Чехия, Болгария, шунингдек, дунёнинг бир қатор олий таълим ўрта таълим, касб-хунар муассасалари ҳамда илмий марказларида олиб борилмоқда. XX аср бошларида Германия, Австрия, Бельгия, Швейцария, Россия, Корея ва бошқа мамлакатлар таълимида интегратив методика (техника)лар самарали татбиқ этилган.

Ҳозирги вақтда қуйидаги устувор йўналишларда, яъни бўлажак ўрта махсус маълумотли мутахассисларни тайёрлашга интегратив ёндашув, педагогик ва махсус билимларни интеграциялаш; назарий билимлар билан амалий кўникмаларни интеграциялаш; назарий ва амалий таълим интеграцияси; бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашда фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси; интеграциялашган таълим асосида касбий фаолиятга тайёргарликни такомиллаштириш жараёни, даражалари, функцияларини аниқлаш ва мониторингини олиб бориш бўйича илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда.

Европа университетлари эришган ютуқларни эътироф этиб, АҚШ университетларида таълим, илм-фан ва саноатнинг интеграциялашуви учун тасдиқланган моделлар уларнинг ҳаётийлигини, шунингдек, уларнинг истиқболлари асосланганлигини таъкидлаш мумкин.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Касб-хунар таълими назарияси ва амалиётида мутахассислар тайёрлаш муаммолари Р.Жураев, А.Ходжабаев, У.Иноятов, Х.Рашидов, Н.Муслимов, З.Исмоилова, Қ.Олимов, С.Ашурова, О.Тўрақулов, Х.Қодиров, Д.Химматалиев Ж.Хамидов, О.Куйсинов З.Тухтаева, З.Рахимов ва Б.Эргашевлар томонидан олиб борилган тадқиқотларда ёритилган³.

Таълим-тарбия жараёнида интеграция муаммоси Р.Сафарова, Э.Турдиқулов, У.Мусаев, З.Тўхтаева, Д.Химматалиев, каби олимларнинг ишларида ўз ифодасини топган⁴.

³ Джураев Р.Х. Организационно-педагогические основы интенсификации системы профессиональной подготовки в учебных заведениях профессионального образования. // Автореф. дисс... докт.пед.наук. – Тошкент, 1995. 43 с., Иноятов У.И. Теоретические и организационно-методические основы управления контроля качества образования в профессиональном колледже. // Дисс. ... докт. пед.наук. –Тошкент, 2003. 327 б., Рашидов Х.Ф. Теоретико-методологические и социально-педагогические основы развития среднего специального, профессионального образования в Узбекистане (на материалах реализации национальной программы по подготовке кадров). // Дисс. ... докт. пед.наук. – Ташкент, 2005. 311 с., Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий методик асослари. // Пед. ф. д. дисс.– Тошкент, 2007. 315 б., Исмаилова З.К. Талабаларнинг касбий педагогик малакаларини шакллантириш. // Пед. фан.ном. дисс. – Тошкент, 2000. 186 б., Олимов Қ.Т. Махсус фанлардан ўқув адабиётлари янги авлодини яратишнинг назарий-услубий асослари. // Пед. фан. докт. дисс. – Тошкент, 2005. 286 б., Турақулов О. Х. Ахборотлаштирилган таълим муҳитида кичик мутахассислар тайёрлашнинг илмий-методик таъминотини такомиллаштириш. // Пед.фан.док. дисс. – Тошкент, 2017, Ходжабоев А.Р. Научно-педагогические основы учебно-методического комплекса подготовки учителя труда. // Дисс... докт пед. наук. – Тошкент, 1992. 406 с., Химматалиев Д.О. Касбий фаолиятга тайёргарликни диагностика қилишда педагогик ва техник билимлар интеграцияси. // Пед. фан. доктори (DSc) дис. – // Тошкент, 2018. 18-19 б., Тўхтаева З.Ш. Олий таълимда умумкасбий ва ихтисослик фанлари интеграциясини таъминлаш методикаси. // Пед.фан.док.(DSc) дисс. – Тошкент, 2021, 22 б.

⁴ Сафарова Р., Иноятова М. ва бошқалар. Истикболдаги таълим мазмунини модернизациялашнинг дидактик асослари. – Т.: Фан, 2009. 240 б., Турдиқулов Э.О., Джураев Р.Х. ва бошқалар. Интеграциялашган таълим назарияси ва амалиёти. – Т.: Сано-стандарт, 2009.176 б., Мусаев У., Сафарова Р. ва бошқалар. Умумий ўрта таълим мазмунини модернизациялашнинг дидактик параметрлари. – Т.: Фан, 2008. 223 б. Тўхтаева З.Ш.

Педагогик шарт-шароитлар ҳамда бир қатор ташқи ва ички омиллар интеграция жараёнини педагогиканинг ривожланишида етакчи қонуниятлардан бирига айлантиради. Бу вазият, ўз навбатида, тадқиқотчилар: Э.О.Турдикулов, Н.Н.Азизхўжаева, Н.А.Муслимов, Р.Сафарова, Ш.Қурбонов, А.И.Авазбоев, А.С.Белкин, А.П.Беляева, В.И.Загвязинский, У.Мусаев, М.Тошов, В.Д.Семёнов, И.Л.Халиуллин, И.П.Яковлев ва бошқалар томонидан эътироф этилган⁵.

Бугунги кунда интеграциянинг объектив асослари, вужудга келиш омиллари ва тоифаларини аниқлаш МДХ давлатлари олимларидан А.П.Беляева, В.С.Безрукова, В.И.Загвязинский, В.Н.Максимова, В.Д.Семенов, Ю.С.Тюнников, М.М.Поташник, Г.Н.Филонов ва бошқалар томонидан ўрганилган⁶.

Педагогика коллежларида ўқувчиларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини шакллантириш ва ривожлантиришга оид қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилишига қарамасдан, бозор муносабатлари қарор топаётган бир шароитда меҳнат бозорида юзага келувчи ҳаётий рақобатга бардош бера оладиган, назарий ва амалий билимларни пухта ўзлаштирган, реал вазиятларни тўғри баҳолай олувчи, иқтисодиётнинг турли тармоқларида меҳнат фаолиятини амалга ошира оладиган кадрларни интеграциялашган таълим орқали тайёрлашда дуал тизимга ўтишга имконият берадиган

Олий таълимда умумкасбий ва ихтисослик фанлари интеграциясини таъминлаш методикаси. // Пед.фан.док.(DSc) дисс. – Тошкент, 2021, 12-13 б., Химматалиев Д.О. Касбий фаолиятга тайёргарликни диагностика қилишда педагогик ва техник билимлар интеграцияси (Техника олий таълим муассасалари “Касб таълими” йўналишлари мисолида) // Педагогика фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2018, 12 б., Поташник М.М. Как развить педагогическое творчество. – М.: Знание, 1987. 78 с., Филонов Г.Н. Воспитание личности школьника. – М.: Педагогика, 1985. 223 с.

⁵ Турдикулов Э.О. Экологическое образование учащихся в процессе изучения предметов естественного цикла (физический аспект экологического образования). // Автореф.дисс. ... докт. псих.наук. –Ташкент, 1983. 38 с., Азизходжаева Н.М. Основные тенденции развития высшего педагогического образования в Узбекистане. – Т.: Фан, 1990. 143 с., Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий методик асослари. // Пед. ф. д. дисс. – Тошкент, 2007. 315 б., Сафарова Р., Иноятова М. ва бошқалар. Истикболдаги таълим мазмунини модернизациялашнинг дидактик асослари. – Т.: Фан, 2009. 240 б., Курбанов Ш.Э. Национальная программа по подготовке кадров. – Т.: Университет, 2000. 103 с., Авазбоев.А.И. Ўқув предметларини мазмунини интеграциялаш асосида меҳнат ва касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашни такомиллаштириш. // Пед.фан.номз. дисс. – Тошкент, 2001. 124 б., Белкин А.С. Основы педагогических технологий: краткий толковый словарь. – Екатеринбург: Урал. гос. пед. ун-та, 1995. 22 с., Беляева А.П. Интегративно-модульная педагогическая система профессионального образования. – СПб.: Радом, 1997. 226 с., Загвязинский В.И. Педагогическое творчество учителя. – М.: Педагогика, 1987. 160 с., Мусаев У., Сафарова Р. ва бошқалар. Умумий ўрта таълим мазмунини модернизациялашнинг дидактик параметрлари. – Т.: Фан, 2008. 223 б., Тошов М.Ж. Педагогика коллежлари таълими жараёнида педагогик интеграциянинг мазмуни ва тузилмасини таъминлаш. // Пед. фан.номз. дисс. ... – Тошкент, 2012. – 139 б., Семенов В.Д. Взаимодействие школы и специальной среды. – М.: Педагогика, 1986. 109 с.

⁶ Беляева А.П. Интегративно-модульная педагогическая система профессионального образования. – СПб.: Радом, 1997. 226 с., Безрукова В.С. Педагогическая интеграция: сущность, состав, механизмы реализации. // Интеграционные процессы в педагогической теории и практике: Сб. научн. тр. – Свердловск, 1990. 317 с., Загвязинский В.И. Педагогическое творчество учителя. – М.: Педагогика, 1987. 160 с., Максимова В.Н. Интеграция как фактор развития образовательных систем // Информационный бюллетень. – СПб., 1998. № 11. С.11-13., Семенов В.Д. Взаимодействие школы и специальной среды. – М.: Педагогика, 1986. 109 с., Тюников Ю.С. Теоретическое обоснование интеграции содержания общего и профессионального образования / Политехнический аспект // Проблемы интеграции процесса обучения в СПТУ: Сб. науч. тр. – Москва: Изд-во АПН СССР, 1989. С.44-71.

методикаларини ишлаб чиқишга оид етарлича амалий тадқиқотлар олиб борилмаганлиги аниқланди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мактабгача таълим тизимини ривожлантириш ҳамда малака ошириш тизимини ривожлантириш бўйича Жаҳон банки билан ҳамкорликда олиб борилган “Мактабгача таълим педагогларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш” мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади профессионал таълимда назарий ва амалий таълим интеграциясини таъминлаш мазмуни ва методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

профессионал таълимда назария ва амалиётни таъминлаш ҳолатини, муаммоларини, соҳага оид илмий тадқиқотларни ўрганиш орқали интеграциялашган таълимни амалга ошириш принципларини илмий асослаш;

замонавий профессионал таълимда назария ва амалиёт интеграциясини таъминлаш асосида малакали мутахассис тайёрлашнинг ташкилий ва педагогик моделини ишлаб чиқиш;

интеграциялашган таълим тамойиллари ва талаблари асосида педагогика коллежларида мутахассис тайёрлашда ўқув режасини такомиллаштириш ҳамда махсус фанлардан интеграциялашган модулли ўқув дастурини ишлаб чиқиш ва амалда татбиқ этиш;

педагогик коллежларда мутахассислар тайёрлашда интеграциялашган таълимни амалга оширишнинг дидактик тузилмаси, методикаси ва ахборот-дидактик таъминотини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш;

интеграцияланган таълим жараёнида мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлаш натижаларини педагогик-диагностик усуллар билан текшириш ва тегишли методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичини 4-даражасига мос келувчи таълим дастурлари асосида ўрта профессионал таълим босқичида кадрлар тайёрлайдиган профессионал таълим муассасаларининг “Мактабгача таълим ёрдамчи тарбиячиси” ва «Мактабгача таълим ташкилотлари маиший масалалари менежери» касблари бўйича интеграциялашган таълим жараёни.

Тадқиқотнинг предмети интеграциялашган таълим асосида педагогика коллежлари ўқувчиларини касбий фаолиятга тайёрлашнинг мазмуни, шакли, методи ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида профессионал таълимнинг ривожланиш тенденцияларини аниқлаштиришга имкон берувчи илмий-манбаларни таҳлил этиш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари, ўқув-меъёрий ҳужжатлар, дарслик ва ўқув-методик адабиётларни танқидий ва қиёсий ўрганиш, суҳбат, сўровнома, кузатиш, педагогик тажриба-синов

натижаларини математик-статистик қайта ишлаш методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

профессионал таълимни ривожлантиришга қаратилган интеграциялашган таълимни амалга ошириш натижасида мутахассисларни тайёрлашда алоҳида, умумий, индукция ва дедукцияларнинг моҳиятини амалий таълимнинг функционал хусусиятлари билан мувофиқлаштириш орқали дуал тизимга босқичма-босқич ўтиш принциплари асослаб берилган;

таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичининг 4-даражасига мос келувчи таълим дастурлари асосида ўрта профессионал таълим босқичида кадрлар тайёрлайдиган таълим муассасаларида назария ва амалиёт интеграциясини таъминлашнинг ўқув-ташкилий тузилмаси мазмуни амалий таълим жараёнини ташкилий, таҳлилий ва креативлик функциялари яхлитлиги ҳамда алоқадорлигини таъминлаш орқали такомиллаштирилган;

амалий таълимни инновацион ташкил этиш жараёнлари мазмуни, рақамли таълим ва анъанавий таълим талабларни амалга оширувчи ўқув босқичлари, ўқув материалларини визуал, мобил шаклда ҳавола этиш шакллари ишлаб чиқиш асосида махсус фанлар ўқитишни модулли тузилма асосида ташкил этишнинг алтернатив варианты яратилган;

мутахассисларни ва иш берувчиларнинг узвийлик ва ўзаро алоқадорлик тамойилларини инобатга олган ҳолда ўқувчиларнинг тажрибага асосланган билим ва кўникмаларини ривожлантиришда интеграциялашган таълимни амалга ошириш методикаси Experiential Learning концепциясига устуворлик бериш орқали такомиллаштирилган;

педагогика коллежи ўқувчиларининг билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш платформаси структураси ва интерфейси касбий фаолиятга тайёргарликнинг сифатий ва вазний кўрсаткичларини аниқлашга қаратилган топшириқларни ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқотнинг изланиш босқичида муаллиф иштирокида ишлаб чиқилган илмий-методик тавсиялардан профессионал таълим тизимининг 110000 педагогика соҳаси учун таълим стандартлари, касблар ва мутахассисликларнинг таълим стандарти, малака талаблари, ўқув режа ва фан (модул) дастурларида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ОўМТВнинг 2020 йил 07 мартдаги 173-сонли буйруғи) ва амалда жорий этилган;

4.11.04.01 – мактабгача таълим ташкилотлари ёрдамчи тарбиячиси, 3.81.02.12 – мактабгача таълим ташкилотлари маиший масалалари менежери касблари бўйича назарий ва амалий таълим интеграциясини таъминлаган ўқув режа ва модулли технология асосида ўқув дастурлари ишлаб чиқилган ва таълим жараёнига татбиқ этилган;

интеграциялашган таълим жараёнида педагогика коллежи ўқувчилари билим, кўникма ва малакаларини баҳолашнинг тузилмавий-функционал модели ишлаб чиқилган ва бўлажак ўрта махсус маълумотли

мутахассисларининг назарий билим, амалий кўникмалар ва малакасини баҳолаш учун “Бўлажак мутахассисларни касбий билим ва кўникмаларини баҳолаш платформаси” яратилиб, амалиётга жорий этилган;

педагогика коллежи ўқувчилари учун “Нутқ ўстириш назарияси ва методикаси”, “Касбий таълим методикаси” дарслиги “Инновацион таълим технологиялари”, “Таълимда ахборот-коммуникация технологиялари” ўқув қўлланмалари ҳаммуаллифликда нашр этилган ва амалда фойдаланилмоқда;

педагогика коллежларида интеграциялашган таълимни ташкил этиш методикаси ва ўқув-методик таъминоти ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилган;

педагогика коллежи ўқувчиларини баҳолаш компетенцияларининг шакллантирилишини назорат қилиш имконини берувчи баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган ва амалиётда татбиқ қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги хорижий ва ОАК рўйхатидаги илмий журналларда чоп этилган мақолалар, халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманлар материаллари, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик методлари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўқув жараёнининг назарий ва амалий таълимнинг интеграциясини таъминлаш орқали бўлажак ўрта махсус профессионал маълумотли мутахассисларни тайёрлаш сифатини оширишга йўналтирилган интеграциялашган таълим ташкилий тузилмаси, мазмуни, педагогик модели, методикаси ва ўқув методик таъминот ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади. Шунингдек, 4.11.04.01 – мактабгача таълим ташкилотлари ёрдамчи тарбиячиси, 3.81.02.12 – мактабгача таълим ташкилотлари маиший масалалари менежери касблари бўйича ўқув режаси такомиллаштирилган ва “Нутқ ўстириш ва болалар адабиёти” ҳамда “МТТ ларда коммунал гигиена ва санитария иши” махсус фанлари ўқув дастурларини модулли технология асосида қайта ишлаб чиқилган. Ишлаб чиқилган ва амалиётга қўлланилган методика профессионал таълимда назария ва амалий таълим интеграциясини таъминлашга, ўқувчиларда эгаллайдиган касбига бўлган қизиқишга мотивация ва дарслар таъсирчанлигининг ортишига, фанларни самарали ўзлаштириш, уларда билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш учун мақбул шарт-шароитлар яратилишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичининг 4-даражасини берадиган профессионал таълим муассасаларида (педагогика коллежлар мисолида) “Мактабгача таълим ёрдамчи тарбиячиси” ва «Мактабгача таълим ташкилотлари маиший масалалари менежери» касблари бўйича дидактик тамойилларига асосланган

интеграциялашган таълимни ташкил этиш орқали ўқувчиларнинг касбий билим ва амалий кўникма ҳамда малакаларини чуқурлаштириш ва ривожлантиришдан иборат бўлиб, “Нутқ ўстириш ва болалар адабиёти” ва “МТТ ларда коммунал гигиена ва санитария иши” махсус фанларининг назарий ва амалий таълим интеграциясини таъминлаш асосида ўқитишни амалга оширилган ўқув-дидактик таъминотдан мақсадга мувофиқ ҳолда унумли фойдаланиш билан белгиланади ва юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлашни таъминлайди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Профессионал таълимда назарий ва амалий таълим интеграциясини таъминлаш мазмуни ва методикасини ишлаб чиқиш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида:

профессионал таълимни ривожлантиришга қаратилган интеграциялашган таълимни амалга ошириш натижасида мутахассисларни тайёрлашда алоҳида, умумий, индукция ва дедукцияларнинг моҳиятини амалий таълимнинг функционал хусусиятлари билан мувофиқлаштириш орқали дуал тизимга босқичма-босқич ўтиш принциплари асослаб берилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 мартдаги “Профессионал таълим тизимининг ўқув-меъёрий хужжатларини ишлаб чиқиш тўғрисида”ги 173-сонли буйруғи билан тасдиқланган 2020/2021 ўқув йили учун профессионал таълим тизимининг педагогика таълим соҳаси бўйича таълим стандартлари, касблар ва мутахассисликларнинг таълим стандарти, малака талаблари мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 20 июлдаги 89-02-705-сон маълумотномаси). Натижада таълим стандартлари ва малака талаблари асосида 4.11.04.01 – мактабгача таълим ташкилотлари ёрдамчи тарбиячиси, 3.81.02.12 – мактабгача таълим ташкилотлар маиший масалалари менежери касблари бўйича такомиллаштирилган ўқув режалари ва фан (модул) дастурлари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилган;

таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичининг 4-даражасига мос келувчи таълим дастурлари асосида ўрта профессионал таълим босқичида кадрлар тайёрлайдиган таълим муассасаларида назария ва амалиёт интеграциясини таъминлашнинг ўқув-ташкилий тузилмаси мазмуни амалий таълим жараёнини ташкилий, таҳлилий ва креативлик функциялари яхлитлиги ҳамда алоқадорлигини таъминлаш орқали такомиллаштирилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 мартдаги “Профессионал таълим тизимининг ўқув-меъёрий хужжатларини ишлаб чиқиш тўғрисида”ги 173-сонли буйруғи билан тасдиқланган 2020/2021 ўқув йили учун профессионал таълим тизимининг педагогика таълим соҳаси бўйича таълим стандартлари, касблар ва мутахассисликларнинг таълим стандарти, малака талаблари мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 20 июлдаги 89-02-705-сон маълумотномаси).

Натижада таълим стандартлари ва малака талаблари такомиллаштирилиб, ўқув режалари ва фан (модул) дастурлари ишлаб чиқилган;

амалий таълимни инновацион ташкил этиш жараёнлари мазмуни, рақамли таълим ва анъанавий таълим талабларни амалга оширувчи ўқув босқичлари, ўқув материалларини визуал, мобил шаклда ҳавола этиш шакллари ишлаб чиқиш асосида махсус фанлар ўқитишни модулли тузилма асосида ташкил этишнинг алтернатив варианты яратилганлиги, мутахассисларни ва иш берувчиларнинг узвийлик ва ўзаро алоқадорлик тамойилларини инобатга олган ҳолда ўқувчиларнинг тажрибага асосланган билим ва кўникмаларини ривожлантиришда интеграциялашган таълимни амалга ошириш методикаси Experiential Learning концепциясига устуворлик бериш орқали такомиллаштирилганлиги каби хулосалар педагогика коллежларининг “Мактабгача таълим ёрдамчи тарбиячиси” ва «Мактабгача таълим ташкилотлари маиший масалалари менежери» касблари бўйича дуал таълимни амалга оширишда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 20 июлдаги 89-02-705-сон маълумотномаси). Натижада педагогика коллежларида интеграциялашган таълимни самарали ташкил этишга эришилган;

педагогика коллежи ўқувчиларининг билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш платформаси структураси ва интенфейси касбий фаолиятга тайёргарликнинг сифатий ва вазний кўрсаткичларини аниқлашга қаратилган топшириқларни ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилганлигига оид хулосалар “Касбий таълим методикаси” дарслиги мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 августдаги 418-сон буйруғи). Натижада педагогика коллежларида дуал таълимни амалга ошириш имкониятларини оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 7 та республика миқёсидаги, шунингдек, илмий-амалий анжуманларда, семинар ва шўъба йиғилишларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий-услубий иш чоп этилган, шулардан 2 та дарслик, 2 та ўқув қўлланма, 1 та монография, ОАК рўйхатида қайд этилган хорижий илмий журналларда 2 та ҳамда республика журналларида 10 та илмий мақола, хорижий ва МДХ журналларида 5 та мақола нашр қилинган ҳамда давлат интеллектуал мулк агентлигидан 1 та муаллифлик гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, умумий хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 220 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган; диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи келтирилган; муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган; тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ҳамда предмети шакллантирилган; тадқиқот усуллари ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши, эълон қилинган ишлар, диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Профессионал таълимда назария ва амалиёт интеграциясини таъминлашнинг назарий-методологик асослари”** деб номланган биринчи бобда Ўзбекистон Республикасида касб-хунар таълимининг ривожланиш тенденцияси ва ҳуқуқий-меъёрий асослари, профессионал таълимда назария ва амалиёт интеграциясини таъминлашга оид илмий-тадқиқот ишлари таҳлили, таълимда назария ва амалиёт интеграциясини таъминлашнинг назарий асослари ёритилган.

Республикада амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий, иқтисодий ислохотлар жараёнида кадрларга қўйиладиган замонавий талаблар асосида яратилаётган янги технологик иш ўринлари, ўрта бўғин кадрларини тайёрловчи мутлақо янги касб-хунар таълими муассасалари тармоғини шакллантириш муҳим ҳисобланади.

Ўтган йилларда профессионал таълимни ривожлантириш, таълим жараёнини модернизациялаш ва мазмунини янгилашни таъминлаш мақсадида унинг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди, иқтидорли ёшларнинг халқаро ва республика олимпиадалари ҳамда танловларда салмоқли натижаларга эришишларида уларни манзилли қўллаб-қувватлаш бўйича қатор тизимли чора-тадбирлар кўрилди.

Изланишларимиз доирасида мамлакатимизда профессионал таълимни ривожланиши, сўнгги йилларда касб-хунар таълими муаммолари билан шуғулланган республика олимлари, шунингдек, МДХ ва хориж олимларининг илмий-тадқиқотлари ҳар томонлама таҳлил қилинди.

Таҳлиллар натижасида бугунги кунгача педагогика коллежларида мутахассислар тайёрлашда интеграциялашган таълимни амалга оширишнинг методикаси ишлаб чиқилмаганлиги илмий асосланди.

Биз ўтказган изланишлар ва таҳлиллар шуни кўрсатдики, 2010-2015 йилларга келиб ўрта махсус касб-хунар таълими тизими, профессионал таълим тизими бўйича қонунчиликда, институционал ривожланишда, таълим олувчиларга замон талабларига мос равишда таълим-тарбия беришда айрим бўшлиқ ва камчиликлар юзага келди.

Амалдаги таълим дастурлари ЮНЕСКО ташкилоти томонидан қабул қилинган «Таълимнинг Халқаро стандартлари»га тўғри келмагани учун

махаллий кадрларнинг халқаро миқёсда тан олинishi ва меҳнат бозорида ўз ўрнини топишига тўсқинлик қиларди.

Таълим натижалари сифатини яхшилаш муаммосига янги ёндашувлар мавжуд касб-хунар таълим тизимини модернизациялашни талаб қилди.

Шунинг учун бу муаммоларни чуқур ўрганиб, унинг ечимини топиш, **Касб-хунар таълими тизимининг шаклан ва мазмунан мутлақо янги тармоғини** яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5812-сонли Фармони қабул қилинди. Фармонга мувофиқ, **Ўзбекистонда мутлақо янги, узлуксиз профессионал таълим тизими** барпо этилиши белгиланди⁷.

Профессионал таълим муассасаларида ўқиган ёшлар аниқ иш ўрнига, ўз касби бўйича зарур илмга, кўникмага эга бўлиши шарт қилиб қўйилди.

Янги тизимнинг асосий тамойили: аввал **иш ўрни аниқ бўлади**, иш берувчи ўзининг **малака талабларини**, **шу касбга ўқитиш технологиясини беради**, шундан кейингина мутахассис тайёрланади.

Тадқиқотимизнинг асосий ғояси айнан шу тамойилга асосланган бўлиб, назарий ва амалий изланишларимиз ушбу тамойилдаги мақсадни муайян даражада амалга оширишга йўналтирилган.

Дуал таълими тизими ҳақида гапирадиган бўлсак, мазкур таълим муассасада назарий тайёргарликни ва ташкилот ёки корхонадаги иш жойида олиб бориладиган амалий машғулотларни бирлаштиради. Ўқиш даврлари амалиёт вақтлари билан алмашади. Ушбу даврлар ўқувчининг олган мутахассислиги ва у ишлаётган ташкилот ёки корхонанинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ҳар хил муддатларга эга бўлиши мумкин, аммо ўқишнинг амалий қисмини мажбурий бажариши керак бўлади.

Дуал тизимнинг камчиликлари: корхонада ўқитиш мотивацияси билан таълим сифати пасайиши мумкин; иш дастурлари ҳар доим ҳам ишлаб чиқаришда бажариладиган ишларнинг мавсумий кетма-кетлигига мос келмайди; таълим ташкилоти ҳар доим ҳам корхоналарга зарур бўлган ўқув материални ўз вақтида етказиб бера олмайди; корхоналарнинг кадрлар тайёрлашга етарли даражада тайёр эмаслиги – натижада ишлаб чиқаришда ўқув ўринларининг етишмаслиги; корхоналар ўз маҳсулотига юқори нарх олиш учун пул ишлашга мажбур бўладилар (ускуналар, молиянинг етишмаслиги ва бошқалар).

Биз амалга оширган тизимли таҳлиллар шундан далолат берадики, интеграциялашган таълим асосида ўқувчиларни касбга тайёрлаш юзасидан илмий тадқиқотлар амалга оширилмаган, сўнгги йиллардаги янгича иқтисодий шарт-шароитларда мазкур мавзу бўйича илмий тадқиқотларнинг мавжуд эмаслиги, бундан олдин амалга оширилган илмий ишлар, шубҳасизки, бир қатор фойдали ютуқларга эга, лекин уларнинг ҳозирги замон шароитларига мослаштирилиши талаб қилинади. Замонавий

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5812-сонли Фармони.

профессионал таълимда назария ва амалиёт интеграциясини таъминлаш муаммоларига оид тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмаган. Бу эса тадқиқотимиз долзарб илмий муаммога бағишланганлидан далолат беради.

Ўқув жараёни самарадорлигини ошириш ҳамда ўқувчиларнинг ўзи танлаган касбларига қизиқишини кучайтириш мақсадида коллежларда назарий ва амалий таълим интеграциясини таъминлаган ҳолда ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Бу, ўз навбатида, бўлажак малакали касб эгаларини тайёрлаш тизимида назарий ва амалий таълимни интеграциялашган ҳолда олиб бориш вазифасини келтириб чиқармоқда.

Таълим тизимининг элементларига асосланган ва корхона мутахассислари томонидан биргаликда ишлаб чиқилган ўқув дастурлари профессионал аҳамиятга эга бўлган компетенцияларнинг муваффақиятли шаклланишига ёрдам беради.

Биз шу ўринда профессионал таълимда назария ва амалий таълимнинг ўзаро интеграциясини назарий жиҳатларига эътибор қаратдик.

Таълимда назария ва амалиётнинг ўзаро интеграцияси бирлик, ўзаро боғлиқлик ва ўзаро таъсир амалга ошириладиган яхлит тизим шаклида амалга оширилади.

Ҳозирги кунда “Интеграция” тушунчаси бўйича методик адабиётлар, мақолалар ва илмий тадқиқот ишларида бу муаммо билан шуғулланган олимлар томонидан турлича таърифлар берилган.

Турли тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, аслида интеграция тушунчаси кўпинча синтез, мураккаб, ўзаро боғлиқлик, ўзаро ҳаракат каби тушунчалар билан синоним тарзида қўлланилади.

Профессионал таълимнинг меҳнат бозори эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш учун давлат, иш берувчилар ва турли ташкилотларнинг ўзаро яқин муносабати механизми бўлган ижтимоий шериклик маҳсули сифатида пайдо бўлишига олиб келади. Шунингдек, профессионал таълим бозор иқтисодиёти шароитида муваффақиятли мослаштирилган таълим ҳодисаси сифатида ҳам кўриб чиқилади, бу турли мамлакатларда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам профессионал таълимнинг ривожланишига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади.

Диссертациянинг **“Профессионал таълим тизимида назария ва амалиёт интеграциясини таъминлаш тузилмаси ва мазмуни”** деб номланган иккинчи бобида профессионал таълим тизимида кадрлар тайёрлашда интеграциялашган таълимнинг ўрни ва аҳамияти, профессионал таълимда назария ва амалиёт интеграциясини таъминлашнинг ташкилий тузилмаси ҳамда педагогика коллежларида назарий ва амалий таълим интеграциясини таъминлаш мазмуни баён этилган.

Замонавий шароитларда меҳнат бозори бўлажак мутахассисларни касбий тайёрлаш даражаси ва сифатига янги талабларни белгилайди. Битирувчи юқори билимли, малакали, доимо ўзгариб турадиган шароитда касбий муаммоларни мустақил ҳал қила оладиган бўлиши керак.

Бизнинг фикримизча, профессионал таълимнинг вазифаси касбий ҳаракатчанликка, ишлаб чиқаришни узлуксиз янгилаб туриш шароитларига тез мослашиш, меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш кўникмаларига эга бўлган кенг профилли мутахассисларни тайёрлашдан иборат.

Ҳозирги босқичда профессионал таълим тизимидаги интеграция жараёнларининг мутахассисларни тайёрлаш самарадорлигини оширишга таъсири катта аҳамиятга эга. Коллежда ўқув фаолиятининг инновацион ривожланиши қабул қилинган меъёрий ҳужжатларда келтирилган тамойилларга асосланади, бу янада қулайлик, сифат, узлуксизлик, сармоявий жозибадорлик, халқаро ҳамкорликда иштирок этиш каби тизимли ўзгаришлар билан таъминланиши мумкин.

Тадқиқотимизнинг илгари сурилган “интеграциялаштирилган таълим”ни амалга ошириш ғояси назария ва амалиёт интеграциясини таъминлаган ҳолда ишлаб чиқилган ўқув режа ва дастурлари асосида ташкил этиладиган интеграциялашган таълимда ўқувчи биринчи курсданок амалий фаолиятга киришади ва бунда олган назарий билимларини амалий кўникмалари билан бирга уйғунлаштирилиб шакллантирилади.

Интеграциялашган таълимни амалга ошириш меъёрий, ташкилий, ўқув-методик, кадрлар, диагностик таъминот масалаларининг минтақавий, ишлаб чиқаришдаги, ҳар бир коллеж ва корхона-ташкilotлардаги мавжуд кадрлар ва моддий-техник ресурсларига мос ҳолда ишлаб чиқилишини кўзда тутади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда биз Иккинчи тоифа – Таълимнинг Халқаро стандарт таснифлагичининг 4-даражасига мос келувчи профессионал таълим муассасаларининг интеграциялашган таълимни амалга оширишини ташкилий тузилмасини ишлаб чиқдик (1-расм).

Ушбу тузилманинг мазмунига тўхталамиз.

1. Ижтимоий эҳтиёж. Профессионал таълимда юқори малакали ўрта профессионал таълим, маълумотли кадрлар тайёрлашга қўйилган давлат ва жамият талаблари малака талабларида акс эттирилган.

2. Профессионал таълимда билим, кўникма ва малакаларни яхши ўзлаштирган, касбий муаммоларни мустақил ҳал қиладиган кадрларни тайёрлаш мақсад қилиб қўйилди.


3. Халқаро таснифлагич бўйича профессионал таълим муассасалари, яъни касб-ҳунар мактаблари, вазирликлар, идоралар ва ташкilotлар тизимида фаолият кўрсатадиган коллежлар ва олий таълим тизими билан интеграциялашган техникумларга ажратилди.

4. Таълимнинг таълимий-тарбияловчи ва ривожлантирувчи функциялари бир-бири билан мустаҳкам боғлиқ, уларни ажратиш яхши натижа бермайди. Аммо уларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳам билиш талаб этилади.

Дуал таълим тизими ўқитишнинг ишлаб чиқариш фаолияти даврлари билан уйғунлигини таъминлайди.

Интеграциялашган таълим – бу "буюртма бериш" учун кадрларни тайёрлаш, уларнинг барча талабларига максимал даражада мувофиқлигини

таъминлаш, ишчиларни топиш ва танлаш, уларни қайта тайёрлаш ва мослаштириш харажатларини тежаш имкониятидир. Бундан ташқари, энг яхши битирувчиларни саралаш имконияти мавжуд, чунки амалий машғулотлар даврида уларнинг кучли ва заиф томонлари яққол намоён бўлади. Ўз навбатида, бу ёндашув талабаларни кўз-кўз қилиш учун эмас, балки ўқишга ундайди.



1-расм. Профессионал таълимда интеграциялашган таълимни амалга оширишнинг ташкилий тузилмаси.

Шу нуқтаи назардан биз қуйидаги ғояни илгари сурдик “Профессионал таълимда анъанавий таълимдан дуал таълимига ўтиш **интеграциялашган таълим** орқали амалга оширилади”

Ўрганилган илмий тадқиқотларга таянган ҳолда, биз дастлаб умумий ҳолда профессионал таълим муассасаларида назарий ва амалий таълим интеграцияси таъминланган ўқув жараёнини олиб бориш учун асос бўладиган мезонларни шакллантиришга имкон берадиган интеграцияланган таълим жараёни компонентлари кетма-кетлигини келтириб ўтдик.



2-расм. Интеграциялашган таълим жараёни сифатига таъсир қилувчи компонентлар кетма-кетлиги.

Биз олиб бораётган илмий тадқиқот ишимизда интеграциялашган таълим жараёни сифатига таъсир қилувчи ўзаро боғлиқ омиллар кетма-кетлигини инобатга олдик. Бу профессионал таълим муассасаларининг тайёрланадиган мутахассислар сифатига қўйиладиган талабларни ҳисобга олиши зарурлигини кўрсатди. Шу билан бирга, битирувчиларни меҳнат бозори эҳтиёжларига мослаштириш механизми яратилади.

Бунда интеграциялашган таълимни меҳнат бозорига мослаштириш имконияти яратилади. Бу эса бугунги кунда жуда муҳим омил ҳисобланади.

Диссертация ишининг учинчи боби **“Профессионал таълим тизимида назария ва амалиёт интеграциясини таъминлаш методикаси”** деб номланиб, унда педагогика коллежларида интеграциялашган таълим жараёнида малакали мутахассисларни тайёрлаш модели; педагогика коллежларида назарий ва амалий таълимнинг интеграциясини таъминлашда ўқув режалари ва фан дастурларини такомиллаштириш; профессионал таълим муассасаларида таълим жараёнини интеграциялашган таълимни амалга ошириш методикаси ишлаб чиқиш масалалари ёритиб берилган.

Жаҳон тажрибаларига кўра таълимда назария ва амалиёт тенденциясини янада ривожлантиришда таълимнинг ташкилий интегрatív функциясини кенгайтириш, ўқитиш шакллари ва методларини такомиллаштириш, бўлажак мутахассисда шахсий ва касбий муҳим сифатларни шакллантириш каби интеграцион жараёнлар муҳим ўрин тутди.

1-тенденция. Бир томондан, назарий жиҳатдан асосланган ва амалиётда синондан ўтган кўплаб интеграция вариантлари мавжуд (интеграциялашган дастурлар, интеграциялашган дарслар, модулли ўқитиш, лойиҳа усули,

фанлараро имтиҳонлар ва бошқалар), бошқа томондан, муайян усулларга ҳаддан ташқари иштиёқ, интеграция, хусусан, интеграциялашган курслар ва дарслар, ижобий ва салбий таъсирларни етарли даражада ўрганиш.

2-тенденция. Ҳар хил турдаги таълим муассасаларида таълим мазмунини интеграциялашнинг ўзига хос хусусиятлари масаласи долзарбдир.

3-тенденция. Таълим мазмунини интеграциялашда танланган усулнинг мумкин бўлган салбий оқибатлари ва унинг оқибатларини замонавий таълимни ривожланиш тенденциялари контекстида изоҳлаш зарурати ҳақида савол туғилади.

Профессional таълимнинг муҳим муаммолари қаторида назария ва амалиётни таълим муассасалари фаолиятига интеграциялашуви моделлари масаласи муҳим аҳамиятга эга. Таълим муассасалари фаолиятида, педагогик фаолиятнинг вазифаларини амалга оширишда етарли тажриба тўпланганлиги сабабли назария ва амалиётни интеграциялаш учун бир қатор моделлар, яъни., ижтимоий-психологик модел, назария ва амалиёт интеграциясининг ижтимоий-маданий модели, professional таълим муассасалари назарияси ва амалиёти интеграциясининг ижтимоий-ҳуқуқий модели, professional таълим назарияси ва амалиётининг тиббий-ижтимоий модели ҳамда professional таълим назарияси ва амалиётининг ахборот-таълим модели аниқланди.


Биз томонимиздан педагогика коллежларда мутахассис тайёрлашда назария ва амалиёт интеграциясини таъминлашнинг ташкилий ва педагогик модели ишлаб чиқилди (3-расм).

Халқаро таснифлагичнинг 4-даражасини берадиган professional таълим муассасаларида (педагогика коллежлар мисолида) “Мактабгача таълим ёрдамчи тарбиячиси” ва «Мактабгача таълим ташкилотлари маиший масалалари менежери» касблари бўйича изчиллик ва узлуксизлик дидактик тамойилларига асосланган интеграциялашган таълимни ташкил этишни тавсия қилдик.

Биз таклиф этаётган интеграциялашган таълим жараёни давлат таълим стандарти талабларининг бажарилишини таъминлайдиган назарий тайёргарлик даражасини сақлаб қолиш билан бирга, муайян меҳнат функцияларини бажаришга мутлақо тайёр бўлган мутахассисларни тайёрлаш муаммосини ҳал қилишга ёрдам беради.

Биз интеграциялашган таълим жараёнининг таркибини ташкил этган ўқитиш дастурлари, фаолияти, босқичлари, даражалари, қисмлари, йўналишлари, турлари ва шаклларини аниқлашга ҳаракат қилдик. Бу эса таълимда назария ва амалиёт интеграциясини таъминлашни тўла ифодалаб, унинг таркибий қисмларини акс эттиради.

Тадқиқотимиз асосида белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун ўтказилган тадқиқотлар, илмий тадқиқот ишлари ҳамда адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, ўрта махсус маълумотли мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашда таълим жараёнида назарий ва амалий таълим интеграцияси асосида ёндашув етарлича ўрганилмаган.



3-расм. Педагогика коллежларда мутахассис тайёрлашда назария ва амалиёт интеграциясини таъминлашнинг ташкилий ва педагогик модели

Модел бизга ўқувчи фаолиятининг профессионал соҳаси, фаолият субъектининг психологик соҳаси доирасида интеграциялашган таълимдаги педагогик муаммони ҳал қилиш учун интеграциялашган билимларни яратиш ва

уни касбий маҳоратга айлантириш муаммосини ўрганиш имконини беради. Аниқланган муаммоларни ҳал қилиш жараёнида назария ва амалиёт интеграциялашуви технологияси модели самарадорлигининг кўрсаткичи сифатида ўқитувчиларнинг педагогик муаммоларни ҳал қилиш, таълимнинг метод ва технологиясини эгаллаш қобилиятини ўзлаштириш натижаларини ошириш мумкин.

Назарий нуқтаи назардан, модел назария ва амалиёт интеграциясига асосланган ўқувчиларни касбга тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш жараёнини акс эттиради.

Интеграциялашган модулли ўқув дастурини амалиётга татбиқ этишнинг концептуал-педагогик босқичида таълим концепциялари, таълим тизими босқичларида назарда тутилган асосий ғоялар, умумий хулосалар ҳисобга олинади.

Интеграциялашган модулли ўқув дастурини амалиётга татбиқ этишнинг мақсадли босқичида таълим муассасаси (педагогика коллежи)нинг узоқ муддатга мўлжалланган мақсади, таълим соҳалари ва шу блокдаги алоҳида олинган ўқув предмети таркибидаги аниқ бир блокнинг ифодаланиши ҳисобга олинади.

Интеграциялашган модулли ўқув дастурларини амалда қўллашнинг жараёнли босқичида ўқитувчининг вазибалари, шунингдек, ўқувчилар томонидан ўқув фаолиятини ташкил этишга йўналтирилган таълим тури, таълим методлари намоён бўлади. Бу жараёнда ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги ўзаро муносабатларда демократик тамойил, самарали усул, ташкилий шакл ва таълим воситаларининг танланишига алоҳида урғу берилади.

Мазкур дарсларда ўқувчиларнинг билиш фаолияти модулларни кетма-кет ўзлаштиришларини назарда тутган ҳолда ташкил этилади. Ҳар бир модулни ўзлаштириш жараёни ўқувчи-талабаларнинг яхлит билиш фаолиятининг элементи саналади, яъни бир дарсда яхлит ташкил этилиши кўзда тутилган ўқувчи-талабаларнинг ўқув фаолияти мавзу ажратилган модулларга мувофиқ ҳолда ўқув фаолияти элементларидан ташкил топади. Агар дарсда ўрганиладиган мавзу мазмуни 4 та модулдан иборат бўлса, ўқувчи-талабаларнинг ўқув-билиш фаолияти мос ҳолда 4 та ўқув фаолияти элементидан ташкил топади. Шунини қайд этиш керакки, дарс якунида ўқувчи-талабаларнинг ўз фаолиятларини таҳлил қилиш ва ўз-ўзини баҳолашини амалга ошириш мақсадида модул дастурини яқунлаш босқичи бўлади. Шу сабабли фикр юритилаётган ушбу дарсда фойдаланиладиган модул дастурида 5 та ўқув фаолияти элементи бўлади. Ўқитувчи шу асосда интеграциялашган модулли ўқув дастурларини тузади.


Интеграциялашган модулли ўқув дастурлари мавзунинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадидан келиб чиқадиган модул дастурининг дидактик мақсади, ўқувчи-талабаларнинг дарс давомида бажарадиган ўқув топшириқлари, топшириқларни бажариш бўйича берилган кўрсатмалар, модул дастурини яқунлаш қисмини ўзида мужассамлаштиради.

Ўқувчилар интеграциялашган модулли ўқув дастурлари ёрдамида ўқув материални мустақил ва ижодий ўрганиш жараёни мазкур мавзуни

ўзлаштириш учун дастурда белгиланган вақт доирасида амалга оширилишига эришилиши лозим.

Шунингдек, халқаро тажрибаларга асосан Experiential Learning (Тажрибали таълим) концепциясига асосланган ҳолда анъанавий ўқув муҳитидан ташқарида тўғридан-тўғри тажриба орқали ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини ривожлантириш билан интеграциялашган таълим жараёнида шахсга йўналтирилган таълим технологиялари, таълим олувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш ва мустақил таълимини ташкил этиш асосидаги инновацион таълим шакллари: амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиш, интерфаол дарслар, модулли ўқув жараёни, масофали ўқитиш, blended learning (аралаш ўқитиш), маҳорат дарслари ва ривожлантирувчи методлардан фойдаланилди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, биз томондан ишлаб чиққан интеграциялашган таълимда ўқитиш жараёнининг дидактик тузилмасини келтириб ўтамыз (4-расмга қаранг).



4-расм. Интеграциялашган таълим жараёнини амалга ошириш методикаси

Ўқув материалларининг ўзлаштирилиши интеграциялашган таълим асосида амалга оширилди. Бунда намунавий ўқув режа асосида ишлаб чиқилган ишчи ўқув режага мувофиқ модулли ўқув дастурлари ишлаб чиқилиб, таълим

муассасаси илмий кенгаши орқали тасдиқланди ва таълим жараёнига татбиқ этилди. Интеграциялашган таълимнинг мақсадлари нимадан иборат?

таълим ташкилоти бўлажак мутахассислари учун ҳам яратилган бўлиб, **Таълимий:** фанлар бўйича тизимли сифатли билимларни эгаллаш.

Ривожлантирувчи: ўқувчиларнинг ҳар томонлама касбий билимларини ривожлантириш орқали касбга қизиқишларининг дунёқарашга йўналишини мустаҳкамлаш.

Тарбияловчи: қизиқишлар доирасини кенгайтириш, таълим-тарбия ва касбий фаолият ўртасидаги алоқалар тўғрисида яхлит қарашни шакллантириш.

Биз олиб борган илмий тадқиқот ва тажриба майдонларида ўтказилган натижалар асосида интеграциялашган дарс тушунчасига ишчи таърифимизни бердик, бунга кўра профессионал таълимда **“Интеграциялашган таълим бу – олинган назарий билим ва амалий кўникмалардан фойдаланган ҳолда таълим жараёнини касбий фаолиятга бирлаштириш”** демакдир.

Диссертациянинг **“Профессионал таълим тизимида назария ва амалиёт интеграциясини таъминлаш бўйича тажриба-синов ишлари”** деб номланган 4-бобида интеграциялашган таълим жараёнида педагогика коллежи ўқувчиларининг билим, кўникма ва малакаларини баҳолашнинг тузилмавий-функционал модели, интеграциялашган таълим жараёнида педагогика коллежи ўқувчиларининг касбий билим ва амалий кўникмаларини баҳолаш платформаси ҳамда назария ва амалий таълим интеграциясини таъминлаш методикасига асосланган тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари ёритилган ва тажриба-синов ишлари таҳлили келтирилган.

Кўрсатиб ўтилган педагогик муаммони ҳал қилиш учун биз **“Бўлажак мутахассисларни касбий билим ва кўникмаларини баҳолаш платформаси”**ни ишлаб чиқдик.


Ушбу платформа асосида педагогика коллежларида интеграциялашган таълим жараёнида мактабгача таълим ташкилотлари турли мутахассисларини тайёрлашда юқорида келтириб ўтилган манбаларга кўрсатилган малака талаблари асосида **“Мактабгача таълим ёрдамчи тарбиячиси”** ва **«Мактабгача таълим ташкилотлари маиший масалалари менежери»** касблари бўйича келгусида иш фаолиятида лавозимига қўйилган талаблар асосида уларнинг компетентлиги шаклланганлигини баҳолашдан иборат бўлиб, бунда танланган лавозим асосида мавжуд интерфаол шакллардаги бўлажак мутахассисларни жавоблари асосида уларда муайян компетентлилик шаклланганлигини баҳолаб беради.

Яратилган платформада юқорида келтирилган интерфаол шакллар бошқа мактабгача ушбу платформа уларнинг компетенцияларини баҳолашга кўмаклашади.

Шу билан бирга, интеграциялашган таълим жараёнида фаол ўқитиш методларини қўллаш ўқувчиларнинг ўқув материалларини мустаҳкам эгаллаш мотивациясини кучайтиришга хизмат қилади.

Шундай қилиб, жараёнли ёндашув тўртта – режалаштириш, амалга ошириш, таҳлил қилиш ва тузатиш кабилардан иборат кетма-кетликдаги ҳаракатларни ўз ичига оладиган интеграциялашган таълим жараёнида

педагогика коллежи ўқувчиларининг билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш жараёнини тузилмавий-функционал моделини тузиб чиқишга имкон беради (5-расмга қаранг).



5-расм. Педагогика коллежи ўқувчиларининг билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш жараёнини тузилмавий-функционал модели тузилмаси

Биз ишлаб чиққан моделнинг мақсади баҳолаш фаолиятини амалга оширишга шахснинг қобилияти ва даражасини тавсифловчи яхлит тизим сифатида интеграциялашган таълим жараёнида педагогика коллежи ўқувчиларини баҳолаш компетенцияларининг шакллантирилишини марказга чиқаришдир.

Баҳолаш жараёнининг функционал мазмунини асос сифатида олиш билан биз моделнинг барча компонентларини муайян мақсадни белгилаш, таҳлил қилиш, тузатиш, ташкил этиш функциялари билан таъминладик.

Тадқиқот ишлари Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги тасарруфидаги 10 та профессионал таълимнинг 4-даражасини берадиган коллежларда (педагогика коллежлар мисолида) “Мактабгача таълим ёрдамчи тарбиячиси” ва «Мактабгача таълим ташкилотлари маиший масалалари менежери» касблари гуруҳларида 4 босқичда ўтказилган бўлиб, тадқиқотнинг барча йўналишлари бўйича тажриба гуруҳларда **400 нафар** ва назорат гуруҳларида **374 нафар** – жами **774 нафар** респондентлар тадқиқот натижаларини амалга ошириш ва экспериментал асослаш дастурида иштирок этишди.


2020-2021 ўқув йилида ишлаб чиқилган назария ва амалиётнинг интеграциясини таъминлашга қаратилган “Мактабгача таълим ёрдамчи тарбиячиси” мутахассислигининг “Нутқ ўстириш ва болалар адабиёти” махсус фанидан ҳамда “Мактабгача таълим ташкилотлари маиший масалалари менежери” мутахассислиги “Мактабгача таълим ташкилотларида коммунал гигиена ва санитария иши” фанидан **интеграциялашган модулли ўқув**

дастури асосида тажриба гуруҳида назария ва амалиёт интеграциясини таъминлаш методикаси ва интеграциялашган дарс ишланмалари ишлаб чиқилиб таълим муассасаларининг илмий-педагогик кенгашида тасдиқланиб, ўқув жараёнига татбиқ этилди.

Диссертация натижаларини мазкур педагогика коллежларида амалиётга татбиқи бўйича 2020-2021 ўқув йили давомида педагогик тажриба-синов ишлари ўтказилди ва ижобий натижаларга эришилди (1-диаграммага қаранг).

1-диаграмма

Тажриба-синов майдонларида ўтказилган тажриба синов ишлари натижалари



1-диаграмма. Ўзлаштириш натижалари.

Муаллифлик методикаси – назарий ва амалий таълим интеграцияси асосида ўқитишнинг юқори даражада эканлиги тажриба-синов ишларининг натижаларида ўз тасдиғини топган – 2020/2021 ўқув йилида “Мақтабгача таълим ёрдамчи тарбиячиси” мутахассислигининг “Нутқ ўстириш ва болалар адабиёти” махсус фанидан юқори баҳолар 20,2 % дан 50,0 % га ортганини кўриш мумкин.

Шундай қилиб, ўқувчиларнинг муаллифлик методикаси асосида “Назарий ва амалий таълим интеграцияси”дан фойдаланиб, ўқитиш самарадорлигини аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадорлиги статистик таҳлилдан маълум бўлдики, барча профессионал таълим муассасаларида тажриба-синов ишлари ниҳоясида, тажриба гуруҳидаги ўқувчиларининг билим даражаси назорат гуруҳига нисбатан 1,19 (19%) юқори кўрсаткичга эга бўлди. Бу эса олиб борилган тадқиқот ишининг самарадор эканлигини кўрсатади.


Шу билан бирга, таклиф этган махсус фанлардан “Назарий ва амалий таълим интеграцияси” асосида «Мақтабгача таълим ташкилотлари маиший масалалари менежери» касби бўйича ўқитиш жараёнини ташкил этиш натижасида ўқитишда таълим самарадорлигининг ошишини кузатдик. Бунинг учун 2020/2021 ўқув йили мобайнида Хива педагогика коллежи, Беруний педагогика коллежи, Қўшрабат педагогика коллежи, Оқдарё педагогика коллежи, Музрабат педагогика коллежи, Қува педагогика коллежи ва Марғилон педагогика коллежларида назорат ва тажриба-синов гуруҳларида тадқиқот-

кузатув ишларини олиб бордик.

Диссертация натижаларини мазкур педагогика коллежларида амалиётга татбиқи бўйича 2020-2021 ўқув йили давомида педагогик тажриба-синов ишлари ўтказилди ва ижобий натижаларга эришилди (2-диаграммага қаранг).

2-диаграмма.

Тажриба-синов майдонларида ўтказилган тажриба-синов ишлари асосидаги ўзлаштириш натижалари



2-диаграмма. Ўзлаштириш натижалари.

Назарий ва амалий таълим интеграцияси асосида ўқитиш самарадорлигини аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов ишларининг махсулдорлиги статистик таҳлилдан маълум бўлдики, барча профессионал таълим муассасаларида тажриба-синов ишлари ниҳоясида тажриба гуруҳидаги ўқувчиларининг билим даражаси назорат гуруҳига нисбатан 1,20 (20%) юқори кўрсаткичга эга бўлди. Бу эса олиб борилган тадқиқот ишининг самарадор эканлигини кўрсатади.

Ушбу кўрсаткичларга асосланган ҳолда ўқувчиларнинг муаллифлик методикаси – “Назарий ва амалий таълим интеграцияси” асосида ўқитиш самарадорлигини аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов натижалари тўғрисида тажриба ва назорат гуруҳидаги ўртача ўзлаштиришларини Стьюдент ва Пирсоннинг χ^2 математик-статистика методи ёрдамида таҳлил қилинди.

Таълим дастурини ўзлаштириш битирувчининг умумий ва касбий компетенцияларни эгаллашига олиб келади. Шунингдек, уларда таянч, махсус ва касбий компетенциялар бўйича репродуктив, продуктив ва креатив даражаларга эришилди.

ХУЛОСАЛАР

Ўтказилган илмий тадқиқот натижаларини умумлаштириб, қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ўтказилган назарий тадқиқотлар асосида интеграциянинг умумий назарий асослари ва интеграцияни профессионал таълим тизимида қўллаш масалалари кўриб чиқилди. Шунингдек, бугунги кунда таълим жараёнида

интеграция тушунчасини аниқлашда, унинг мазмунини турли қирраларини очиб беришда муайян қарашлар ва ёндашувлар тизими мавжудлиги ҳамда профессионал таълимда интеграция ўқув жараёнини ташкил этишнинг мақсадлари, тамойиллари ва мазмуни бирлигини ифодалашнинг энг юқори шакли ва мазмуни очиб берилди.

2. Профессионал таълимда назарий ва амалий таълим интеграциясини таъминлаш муаммолари ва имкониятлари, таълим муассасаларида кадрлар тайёрлашда фанларни ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари, фанлар интеграциясини таъминлаш назарий жиҳатдан таҳлил қилинган ва илмий асосланган.

3. Профессионал таълимнинг икки томонлама шаклини пайдо бўлиши ва замонавий шароитда ривожланишида дуал таълим тизимига интеграциялашган таълимни амалга ошириш орқали ўтиш имконияти аниқланиб, педагогика коллежларида “Мақтабгача таълим ёрдамчи тарбиячиси” ва «Мақтабгача таълим ташкилотлари маиший масалалари менежери» касблари бўйича дидактик тамойилларига асосланган интеграциялашган таълимни ташкил этиш орқали ўқувчиларнинг касбий билим ва амалий кўникма ҳамда малакаларини чуқурлаштириш ва ривожлантиришда таълим муассасаси ва ижтимоий шериклар (иш берувчилар, ОТМлар, МТТ ва бошқалар) ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ташкилий-педагогик шакллари узлуксиз технологик таълим даражалари, илғор ва замонавий ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаси талабларига кўра, таълим жараёнини ташкил этиш мазмуни очиб берилди.

4. Ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим мутахассисларини тайёрлашда профессионал таълим муассасаларида махсус фанлари интеграциялашган таълим орқали таълим жараёнида ўқувчиларнинг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илғор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиши, хорижий мамлакатлар таълим тизимида замонавий ёндашувлар қўллаш орқали интегратив, модулли индивидуал ёндашувлар билан биргаликда модуллилик, тизимлилик, мақсадга йўналтирилган назария ва амалиётнинг ўзаро алоқадарлиги ҳамда илмийлик тамойиллари асосидаги методика ишлаб чиқилди ва уни қўллаш самарадорлиги асосланди.

5. Интеграцияланган таълим тизими асосида мутахассислар ва иш берувчиларнинг узвийлик ва ўзаро алоқадорлик тамойилларини инобатга олган ҳолда Experiential Learning концепцияси орқали таълим жараёнидан ташқарида ўқувчилар бевосита тажрибага асосланган билим ва кўникмалари ривожлантирилган ҳамда касбий фаолиятга тайёрлаш натижаларини педагогик диагностик усуллар билан таълим интеграциясининг ахборот-дидактик имкониятлари кенгайтирилган.

6. Амалга оширилган назарий ва амалий тадқиқотлар шуни кўрсатдики, педагогика коллежига интеграциялашган таълимни жорий қилиш қўйидаги педагогик талаблар мажмуасининг юзага чиқарилишини профессионал таълим муассасалари учун:

а) интеграциялашган таълимни ташкил этиш учун меъёрий-ҳуқуқий асосларни ишлаб чиқиш;

б) иш берувчиларнинг ўқувчилар томонидан таълим доирасида қўшимча меҳнат функциялари – касбий компетенцияларнинг ўзлаштирилишидаги эҳтиёжларини аниқлаш;

в) таълим дастурларининг иш берувчилар томонидан белгиланган қўшимча меҳнат функцияларини шакллантириш мақсадида қўшимча мазмун билан бойитиш;

г) интеграциялашган таълимни ташкил этишда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш билан қўшимча касбий компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилган интегратив курсларни лойиҳалаштириш ҳамда педагогика коллежи ва корхона/ташкilotларнинг ўқув-ишлаб чиқариш муҳити билан ўзаро ҳаракатлари асосида педагогик амалиёт мазмунини ўз ичига олувчи янгича ёндашувларни белгилашдан иборат эканлиги асосланди.

7. Тадқиқотимизнинг илгари сурилган “интеграциялаштирилган таълим”ни амалга ошириш ғоясининг асоси – Янги тизимнинг асосий тамойили бўйича ***аввал иш ўрни аниқ бўлади, иш берувчи ўзининг малака талабларини, шу касбни ўқитиш технологиясини беради, шундан кейингина мутахассис тайёрланади.*** Биз томонимиздан илгари сурилган ғояга мувофиқ, назария ва амалиёт интеграциясини таъминланган ҳолда ишлаб чиқилган ўқув режа ва дастурлари асосида ташкил этилган интеграциялашган таълимда ўқувчи биринчи курсданок амалий фаолиятга киришади ва бунда олган назарий билимларини амалий кўникмалар билан бирга уйғунлаштириб, шакллантириш имконини беради.

8. Халқаро таснифлагичнинг 4-даражасини берадиган профессионал таълим муассасаларида (педагогика коллежлар мисолида) ўқув-ташқилий тузилма мазмуни амалий таълим жараёнини тизимли режалаштириш орқали таълимда назария ва амалиёт тенденциясини янада ривожлантириш, таълимнинг ташқилий интегратив функциясини кенгайтириш, ўқитиш шакллари ва методларини такомиллаштириш, бўлажак мутахассиснинг шахсий ва касбий муҳим сифатларни шакллантириш асосида интерграциялашган таълим тизими ишлаб чиқилди. Профессионал таълимнинг замонавий шароитда ривожланишида унинг элементларини жаҳон тажрибасига асосланган ҳолда фойдаланиш имкониятини аниқлаш ва асослашдан иборат назария ҳамда амалиёт интеграцияси таъминланган юқори малакали мутахассис тайёрлаш модели такомиллаштирилди.

9. Интеграциялашган модулли ўқув дастурини амалда қўллашнинг мазмунли босқичида таълим соҳалари, муайян блок тизимидаги ўқув предметлари мазмунини танлаш тамойиллари, алоҳида элементлар, яъни аниқ ўқув идентификатцияси ўқув предметлари моҳиятини ёритувчи йирик мавзуларда акс этиши интеграциялашган модулли ўқув дастурлари асосида ўқитиш, фанларни самарали ўзлаштириш, уларда билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш учун мақбул шарт-шароитлар яратилишига хизмат қилган.

10. Биз олиб бораётган тадқиқотнинг мақсади профессионал таълимнинг икки томонлама шаклини пайдо бўлиши ва замонавий шароитда ривожланишида дуал таълим тизимига интеграциялашган таълимни амалга

ошириш орқали ўтиш имкониятини аниқлаш ва асослашдан иборат бўлиб, мутахассислар тайёрлашда замонавий профессионал таълим шаклини ривожлантиришда ўтказилган сўровнома натижалари ҳамда дастлабки изланишларимизга кўра, профессионал таълимда мутахассисларни тайёрлашда назарий ва амалий таълимнинг ўзига хос хусусиятлари сифатида, таълимнинг икки томонлама шаклида назарий машғулотлар билан бирга, амалий таълимни ўқитиш билан бир вақтда ишлашни бирлаштирадиган ўқув жараёни сифатида тавсифлаш асослаб берилди.

11. Интеграциялашган таълим жараёнида педагогика коллежи ўқувчиларининг билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш мақсадида ишлаб чиқилган платформа асосида педагогика коллежларда интеграциялашган таълим жараёнида мактабгача таълим ташкилотлари турли мутахассисларини тайёрлашда малака талаблари асосида тадқиқот ишлари олиб борилган касблари бўйича келгусида иш фаолиятида лавозимига қўйилган талаблар асосида уларнинг компетентлиги шакллانганлигини баҳолашдан иборат бўлиб, бунда танланган лавозим асосида мавжуд интерфаол шакллардаги бўлажак мутахассисларни жавоблари асосида уларда муайян компетентлилик шаклланганлиги баҳолаб беради.

12. Ўтказилган назарий ва амалий тадқиқотлар ҳамда илмий тадқиқот иши натижаларининг амалиётга татбиқ этилиши профессионал таълим тизими олдида қўйиладиган бугунги стратегик талабларни амалга оширишга муҳим аҳамият касб этган профессионал таълим тизимининг замонавий тизимини шакллантириш имконини берди.

Ўтказилган изланишлар натижалари асосида куйидаги **тавсиялар** ишлаб чиқилди:

1. Интеграциянинг умумий назарий асослари ва интеграцияни профессионал таълим тизимида қўллаш масалаларини кўриб чиқиш, иш берувчиларнинг профессионал таълим доирасида қўшимча меҳнат функциялари – касбий компетенцияларни ўзлаштиришдаги эҳтиёжларини аниқлаб, интеграциялашган таълим жараёнини ташкил қилиш.

2. Профессионал таълим муассасаларида махсус фанларни интеграциялашган модулли ўқув дастурлари асосида ўқитиш ҳамда ушбу модулли ўқув дастурлари асосида ўқитишда ўқувчилар билими ва кўникмаларини ўқув мақсадларига мувофиқ ҳолда мунтазам баҳолаш технологиясидан ўқув жараёнини лойиҳалаш ва амалга оширишда қўллаш тавсия этилади.

3. Ишлаб чиқилган ва такомиллаштирилган методик ишланмалар ва тавсиялардан профессионал таълим муассасаларида, хусусан, халқаро таснифлагичнинг 4-даражасини берадиган педагогика коллежларида таълим жараёнини уюштиришда, битирувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашда фойдаланиш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ
ИННОВАЦИЙ, ПЕРЕПОДГОТОВКИ И ПОВЫШЕНИИ
КВАЛИФИКАЦИИ РУКОВОДЯЩИХ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ КАДРОВ
ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ**

**ИНСТИТУТ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ИННОВАЦИЙ,
ПЕРЕПОДГОТОВКИ И ПОВЫШЕНИИ КВАЛИФИКАЦИИ
РУКОВОДЯЩИХ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ КАДРОВ
ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ**

ГАФФАРОВ ФЕРУЗ ХАСАНОВИЧ

**МЕТОДИКА ОБЕСПЕЧЕНИЯ ИНТЕГРАЦИИ ТЕОРИИ И ПРАКТИКИ
В СИСТЕМЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ**

13.00.05 – Теория и методика профессионального образования

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА (DSc) ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2022

Тема диссертации доктора по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2020.4.DSc/Ped194

Диссертация выполнена в Институте педагогических инноваций, переподготовки и повышении квалификации руководящих и педагогических кадров профессионального образования.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на сайте Научного совета (www.vocedu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Олимов Кахрамон Танзилович доктор педагогических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Хамидов Жалил Абдурасулович доктор педагогических наук, профессор Куйсинов Одил Алмуратович доктор педагогических наук, профессор Марданов Шукурулло Кулдашевич доктор педагогических наук, профессор
Ведущая организация:	Каршинский Государственный университет

Защита диссертации состоится «__» _____ 2022 года в _____ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Ped48.01 при Институте педагогических инноваций, переподготовки и повышении квалификации руководящих и педагогических кадров профессионального образования. (Адрес: 100095, город Ташкент, Алмазарский район, улица Зиё, 76 дом). Тел.: (99871) 246-92-17; факс: (99871) 246-90-37; E-mail: pedagogikinnovasiyalar@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института педагогических инноваций, переподготовки и повышении квалификации руководящих и педагогических кадров профессионального образования (зарегистрирована за №____). (Адрес: 100095, город Ташкент, Алмазарский район, улица Зиё, 76 дом). Тел.: (99871) 246-92-17; факс: (99871) 246-92-17).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2022 года.
(реестр протокола рассылки № _____ от _____ 2022 года).

Р.Х.Джураев
Председатель Научного совета по
присуждению учёных степеней, д.п.н.,
академик

С.Ю.Ашурова
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению учёных степеней, д.п.н.,
профессор

Х.Ш.Кадиров
Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению учёных
степеней, д.п.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Огромные реформы, происходящие в мире, в том числе повышение качества и эффективности системы образования и воспитания, дают большие результаты в осуществлении системной работы по формированию современных знаний и навыков, тесного взаимодействия и интеграции сфер образования и науки, а также систематическая работа по обеспечению целостности и преемственности обучения отличаются высокой эффективностью. Зарубежный опыт показал, что за счет интегрированного обучения в системе профессионального образования, сочетающего теорию и практику, достигается эффективное формирование профессиональной компетентности будущих специалистов. Особенно по вопросам образовательной интеграции научные результаты таких исследовательских центров, как Training Within Industry (TWI), European University Institute, Max Plank Institute, Harvard Law School, European Integration (ECSA-Austria), ARENA (Oslo), Mannheim Centre for European Social Research в США имеют особое значение.

В дальнейшем развитии направления теории и практики в современном образовании важную роль играют такие интеграционные процессы, как расширение интегративно-организационной функции образования, совершенствование методов обучения, формирование важных личностных и профессиональных качеств будущего специалиста. Ученые-педагоги и практики по интеграции проводят множество исследований по интегрированному изучению содержания в рамках наукоемких учебных предметов, оптимизации деятельности педагогов, преподающих разные предметы, интеграции форм организации воспитательной работы и повышение качества образования. Каждое из этих направлений имеет свою цель и требует подходящей формы, метода, средств и условий для своего осуществления ил.

В Узбекистане система профессионального образования адаптируется к потребностям общества, которое переходит на новый – информационный этап развития. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан «дальнейшее совершенствование системы непрерывного образования, повышение качества образовательных услуг, продолжение политики подготовки высококвалифицированных кадров в соответствии с современными потребностями рынка труда» и в качестве приоритетных задач определены «стимулирование научной и инновационной деятельности, внедрение в практику научных и инновационных достижений», создание эффективных механизмов¹. Повышение качества и эффективности профессионального образования требует внедрения интегрированного обучения в подготовку квалифицированных специалистов. Это стало

¹ Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». // Сборник правовых документов Республики Узбекистан . - Т., 2017. С.39.

основанием для определения возможности введения формы дуального образования через реализацию интегрированного образования. В результате, обеспечив интеграцию теории и практики, можно повысить качество подготовки специалистов.

Данная диссертация в определенной мере работает при реализации задач, определенных в других нормативных правовых документах, относящихся к данной сфере, Закон Республики Узбекистан «Об образовании» № ЗРУ-637 от 23 сентября 2020 года, Закон «О дошкольном образовании и обучении» от 17 декабря 2019 года, Указы Президента Республики Узбекистан от 25 января 2018 года № УП-5313 «О мерах по коренному совершенствованию системы общего среднего, среднего специального и профессионального образования», № УП-5812 от 06.09.2019 «О дополнительных мерах по дальнейшему совершенствованию системы профессионального образования», Постановление Президента Республики Узбекистан от 31 декабря 2020 года № PQ-4939 «О мерах по коренному совершенствованию системы оценки квалификации и обеспечению рынка труда квалифицированными кадрами», Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан от 18 мая 2019 года № 418 «О мерах по дальнейшему совершенствованию подготовки кадров для системы дошкольного образования», № 287 от 15 мая 2020 года «О мерах по организации общегосударственной деятельности по развитию профессиональных квалификаций, знаний и навыков Республики Узбекистан», № 466 от 7 августа 2020 года «Об утверждении нормативно-правовых документов, регулирующих систему непрерывного начального, среднего и среднего специального профессионального образования в Республике Узбекистан», № 163 от 29 марта 2021 г. «О мерах по организации дуального обучения в системе профессионального образования»,

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Тема научно-исследовательской работы выполнена в рамках приоритетного направления Координационного комитета по развитию науки и технологий «Формирование системы инновационных идей в социально-правовом, экономическом, культурном, духовно-образовательном развитии информационного общества и демократического состоянии и способы их осуществления».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации². Исследования по совершенствованию теоретико-методологических основ интеграции в образовании при подготовке будущих специалистов к

² Обзор международных научных исследований по теме диссертации выполнен на основе MIT Integrated Learning Initiative | Integrated Learning Initiative.; Technology Integration Practices (TIP) Guide | Center to Support Excellence in Teaching (stanford.edu.); Integrative Studies | University of North Texas (unt.edu.); Technology Integration Practices (TIP) Guide | Center to Support Excellence in Teaching (stanford.edu.); MA International Education (2023 entry) | The University of Manchester.; Integrating module | University of London.; Ministère de l'Éducation Nationale, de l'Enseignement Supérieur et de la Recherche de France (2013); Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (Word Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea); Lyunch M., Engle J., Cruz J.L. Subprime Oppportunity: The Unfulfilled Promise of For-Profil Colleges and Universitetes. Education Trust, 2010; и других источников.

профессиональной деятельности, разработке критериев и уровней ее объективной оценки в США, Германии, Венгрии, Чехии, Болгарии, а также в ряде высшего, среднего образования, профессионально-технических учебных заведений и научных центров мира. В начале 20 века интегративные методы (приемы) были эффективно внедрены в образование Германии, Австрии, Бельгии, Швейцарии, России, Кореи и других стран.

В настоящее время в следующих приоритетных направлениях, то есть интегративный подход к подготовке будущих специалистов среднего звена, интеграция педагогических и специальных знаний; интеграция практических навыков с теоретическими знаниями; интеграция теоретического и практического образования; интеграция науки, образования и производства в подготовке будущих специалистов к профессиональной деятельности; проводится научно-исследовательская работа по выявлению и мониторингу процесса, уровней, функций совершенствования подготовки к профессиональной деятельности на основе интегрированного образования.

Признавая достижения европейских университетов, можно подчеркнуть, что проверенные модели интеграции образования, науки и производства в университетах США являются жизнеспособными, а также обоснованностью их перспектив.

Уровень изученности проблемы. Проблемы подготовки специалистов в теории и практике профессионального образования говорится в исследованиях, проведенных Р. Джураевым, А. Ходжабаевым, У. Иноятовом, Х. Рашидовом, Н. Муслимовом, З. Исмаиловой, К. Олимовом, С. Ашуровой, О. Торакуловом, Х. Кадыровом, Д. Химматалиевым, Ж. Хамидовом, О. Куйсиновом, З. Тухтаевой, З. Рахимовом и Б. Эргашевым³.

Проблема интеграции в образовательный процесс выражена в работах таких ученых, как Р. Сафарова, Э. Турдикулов, У. Мусаев, З. Тохтаева, Д. Химматалиев⁴.

